

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

БАҲРИЕВА ХУРШИДА АСКАРХОДЖАЕВНА

ИССИҚЛИК ЭНЕРГЕТИКАСИ ОБЪЕКТЛАРИ БУҒ
ҚИЗДИРГИЧЛАРИНИ НОРАВШАН-МАНТИҚИЙ БОШҚАРИШ
АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Бахриева Хуршида Аскарходжаевна

Иссиқлик энергетикаси объектлари буг қиздиргичларини норавшан-
мантикий бошқариш алгоритмлари.....3

Бахриева Хуршида Аскарходжаевна

Алгоритмы нечетко-логического управления пароперегревателей в
теплоэнергетических объектах.....21

Bakhrieva Khurshida Askarxodjaevna

Algorithms for fuzzy-logic control of superheaters in thermal power
objects.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

БАҲРИЕВА ХУРШИДА АСКАРХОДЖАЕВНА

ИССИҚЛИК ЭНЕРГЕТИКАСИ ОБЪЕКТЛАРИ БУТ
ҚИЗДИРГИЧЛАРИНИ НОРАВШАН-МАНТИҚИЙ БОШҚАРИШ
АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Т702. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сиддиков Исомидин Хакимович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Кабулов Анвар Василевич
техника фанлари доктори, профессор

Арифжанов Абдулла Шамхатович
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «28» соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (240 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2022 йил «15» январ кун тарқатилди.
(2022 йил «30» декабр даги 51 рақамли реестр баённомаси.)



Р.Х.Хамдамов

Р.Х.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Ф.М.Нуралиев

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

А.В.Кабулов

А.В.Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда иссиқлик энергетикасида электр-энергия ишлаб чиқариш жараёнида энергоресурслар сарфини камайтириш энг долзарб масалалардандир. Ушбу муаммони самарали ҳал этиш кўп жихатдан иссиқлик энергетикаси объектлари агрегатларининг технологик параметрларини бошқаришда қўлланиладиган илм-фан технологиялари билан белгиланади. Ушбу йўналишда дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида, жумладан, АҚШ, Германия, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Япония ва бошқаларда кенг камровли илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда электр энергетика объектлари ва уларда кечувчи жараёнларни автоматик бошқариш тизимини лойиҳалаштиришга қаратилган замонавий усуллар ва мақсадли тадқиқотларнинг илмий асослари яратилмоқда. Шу билан бирга электр энергетикаси объектларининг технологик жараёнларини бошқариш моделларини қуриш усуллари ва алгоритмларини илмий асослаш алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ иссиқлик энергетикаси станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида иссиқлик юқламасининг нотекис ўзгариши, бошқариш объекти хусусиятларининг ноаниқлиги ва кўплаб назорат қилинмайдиган ғалаёнларнинг мавжудлиги билан боғлиқ энергия йўқотишлари мавжуд. Буларнинг барчаси иссиқлик энергетикаси объектлари агрегатларини бошқариш тизимларига нисбатан қатъий талаблар ва маълумотлар ноаниқлиги шароитида динамик объектларни бошқариш моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга олиб келади.

Республикамизда қабул қилинган комплекс чоралар доирасида электр энергия объектларини бошқариш жараёнини интеллектуаллаштиришни бошқариш назарияси ва усулларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, хусусан буғ қиздиргичнинг иш режимларини ноаниқлик шароитида энергия тежамкор технологияларни қўллаган ҳолда ҳар хил турдаги оператив ва техник чекловларни ҳисобга олиш долзарб масалалардандир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иктисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, энергетика соҳасида ахборот-коммуникацион технологияларини қўллаш ва бошқариш»¹ каби вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда замонавий ҳисоблаш воситаларини қўллаш орқали, замонавий бошқариш усулларида фойдаланиш ҳисобига, иссиқлик энергетикаси объектларининг энергия самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2019 йил 29 мартдаги ПҚ-4249-сон «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда турли дастлабки маълумотларга эга бўлган электр энергияси тизимларининг технологик жараёнларини самарали бошқариш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга кўпгина хорижий олимлар С.А.Совалов, Ю.Н.Руденко, В.А.Семенов, В.И.Воропай, Д.А.Арзамасцев, А.В.Лыкин, В.М.Гонштейн, Е.В.Цветков, Г.Б.Левенталь, А.И.Андрюшенко, В.А.Иванов, Г.П.Плетнев, Э.К.Аракелян, В.Я.Ротач юртимиз олимларидан Х.Ф.Фазылов, Т.Х.Насиров, К.Р.Аллаев, Д.А.Абдуллаев, В.К.Соколов, Р.А.Зоҳидов, М.З.Хамудханов, Т.С.Камалов, Э.П.Пайзиев ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Динамик объектларни бошқариш жараёнларини интеллектуаллаштириш ва турли хил мураккабликлар ва ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда юқори самарали бошқариш тизимларини яратиш масалаларига қатор чет эл олимлари жумладан, Р.А.Алиев, А.Пиегат, М.Сугено, Л.А.Заде, С.Н.Васильев, Н.Н.Востриков, К.А.Пупков, мамлакатимиз олимларидан М.М.Арипов, Т.Ф. Бекмуратов, Х.З.Игамбердиев, Н.Р.Юсупбеков, Ш.М.Гулямов, М.М.Камилов, А.Р.Марахимов, Д.Т.Мухаммадиева, И.Х.Сиддиков, М.А.Исмаилов ва бошқалар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган. Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар доирасининг доимий равишда мураккаблашиши ва кенгайиб бориши, маълумотларнинг тасодифийлик характери ва қисман ноаниқлигини ҳисобга олган ҳолда, технологик объектларининг иш режимларини самарали бошқариш усуллари ва алгоритмларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқишни талаб этади.

Хусусан турли ноаниқликлар шароитида фаолият кўрсатувчи буғ қиздиргичнинг иш режимларига мос қийматларини таъминлашда, ташқи таъсирларнинг тасодифийлиги ва объект хусусиятларини ўзгарувчанлигини ҳисобга олиш имконини берувчи интеллектуал технологиялар усуллари асосланган бошқариш моделлари ва алгоритмларини яратиш долзарб масалалардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ва Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг

А-5-42—«Априор ноаниқлик шароитида технологик объектларнинг автоматлаштирилган мониторинги ва бошқаришни интеллектуал-лаштиришни дастурий-инструментал воситаси» (2015-2017); №Ф4-002 «Бикубик сплайнлар асосида мураккаб сигналларни қайта ишлаш учун ихтисослаштирилган тизимларни ишлаб чиқишнинг назарий ва услубий асослари» (2017-2019) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нейро-норавшан технологиялари усуллари асосида буғ қиздиргичнинг бошқариш тизимини самарадорлигини ошириш имконини берувчи бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Буғ қиздиргичнинг ҳарорат режимларини бошқаришнинг ахборот-концептуал моделини ишлаб чиқиш;

маълумотларнинг қисман ноаниқлиги ва эҳтимоллиги шароитида буғ қиздиргичнинг норавшан-мантиқий моделларини ишлаб чиқиш;

буғ қиздиргичнинг технологик параметрларини бошқаришнинг норавшан-мантиқий моделларини яратиш алгоритминини ишлаб чиқиш;

буғ қиздиргичнинг иш режимларини норавшан-мантиқий бошқариш тизимини имитацион моделлаштиришнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида буғ қиздиргичлардаги технологик параметрларни бошқариш тизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети қозон агрегати буғ қиздиргичларининг технологик параметрларини норавшан-мантиқий бошқариш усуллари, моделлари ва алгоритмлари мавжуд.

Тадқиқотнинг усуллари. Тизимли таҳлил усуллари, бошқариш назарияси ва моделлаштириш усуллари, интеллектуал бошқариш назарияси, матрицалар назарияси, дифференциал тенгламалар назарияси усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

буғ қиздиргичнинг динамик хоссаларини, тизимли боғланишларини ва ишлаш қонуниятлари асосида иссиқлик алмашинуви жараёнининг ахборот-концептуал модели яратилган;

автоматик ва интеллектуал бошқариш усуллари биргаликда қўллаш асосида динамик объектларнинг норавшан-мантиқий бошқариш моделларини яратиш алгоритми ишлаб чиқилган;

маълумотлар ноаниқлиги шароитида технологик чекловларни ҳисобга олган ҳолда, буғ қиздиргичнинг технологик параметрларини бошқариш ва барқарорлаштириш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

интерактив адаптация ва юзалар фарқи усуллари асосида норавшан-мантиқий адаптив бошқариш тизимини синтезлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

буғ қиздиргич ва электр энергетика объектларининг технологик параметрларини норавшан-мантиқий бошқариш тизими функционал схемаси ишлаб чиқилган;

ростлаш параметрларини адаптациялаш ҳисобига технологик жараёнларни оптималлаштирувчи буг қиздиргичнинг технологик параметрларини норавшан-мантиқий бошқариш тизимини яратиш учун сифат жиҳатидан янги ёндошув таклиф этилган;

турли хил ишлаб чиқариш вазиятларида буг қиздиргичнинг технологик параметрларини таҳлил қилиш ва башоратлаш асосида бошқариш қарорларини қабул қилиш имконини берадиган бошқариш тизимининг имитацион моделлаштириш дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги норавшан тўпламлар, нейрон тўрлар назарияси асосида динамик объектларнинг интеллектуал бошқаришнинг методик асосланган назарий концепцияларини амалга ошириш; замонавий бошқариш назариясининг тасдиқланган усулларидан фойдаланиш; назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида олинган натижалар ва уларнинг ўзаро изчиллиги.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижалари аҳамияти режимли ва технологик параметрларни инобатга олган ҳолда, дастлабки ахборотларнинг тасодифийлик характери ва қисман ноаниқлиги шароитида ишлайдиган динамик объектларни норавшан-мантиқий бошқариш тизимини нейрон-норавшан моделлари ва синтезлаш алгоритмларининг яратилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти буг қиздиричнинг мақбул иш режимларини ушлаб туриш ҳисобига энергия сарфини камайтиришга имкон берадиган, ташқи муҳит ва объект хусусиятлари, ноаниқлиги шароитида динамик объектларнинг технологик параметрларини норавшан-мантиқий бошқариш тизими синтези масаласини алгоритмик таъминлаш билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маълумотлар ноаниқлиги шароитида технологик чекловларни ҳисобга олган ҳолда, буг қиздиргичнинг технологик параметрларини бошқариш ва барқарорлаштириш алгоритмлари асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа «Тошкент иссиқлик энергетикаси станцияси» АЖда жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 5 октябрдаги 33-8/6990-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида буг қиздиргичнинг технологик параметрларини бошқаришни оптималлаштирувчи норавшан-мантиқий ростлагич дастури ва норавшан адаптив ростлагич коэффициенти ёрдамида энерго захираларни минималлаштириш ва бошқаришнинг аниқлигини ўртача 13% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари жами 7 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқотининг асосий натижалари 7 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 1 таси монография, 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий

илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, жумладан, Scopus базасига кирувчи журналда 2 та мақола нашр қилинган ҳамда 3 та ЭХМ учун дастурларни расмий рўйхатдан олинганлиги тўғрисида гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, фанни ривожлантириш ва устувор йўналишларнинг мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий натижалар баён этилган, ишнинг илмий ва амалий мазмуни очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида маълумотлар берилган, бажарилган ишлар ва маълумотлар берилган. Диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар ҳақида чоп этилган.

Диссертациянинг «**Буғ қиздиргични бошқариш муаммоларининг замонавий ҳолати**» номли биринчи бобида бошқариш объекти сифатида буғ қиздиргич ҳарорат режими технологик жараёнини тизимли таҳлил қилиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари масалалари кўриб чиқилган.

Буғ қиздиргич технологик параметрларини бошқариш жараёни самарадорлигига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш мақсадида буғ қиздиргич ҳарорат режимининг замонавий ҳолати тизимли таҳлил қилинган.

Буғ қиздиргичлар турбиналарни ҳаракатга келтириш учун юқори босимдаги тўйинган ёки қиздирилган буғларни генерациялашга мўлжалланган. Буғ қиздиргичда кечадиган технологик жараёнлар узлуксизлиги ва мураккаблиги билан тавсифланади. Буғ қиздиргичнинг асосий бошқарилувчи, ростланувчи параметрларидан бири бўлиб қиздирилган буғ ҳарорати ҳисобланади.

Буғ қиздиргич фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг ноаниқлиги ва динамик характерга эга эканлиги бошқариш жараёнини мураккаблаштиради. Юқори самарали бошқариш тизимини яратиш учун ноаниқликларни инобатга олган ҳолда қиздирилган буғни бошқариш жараёнининг хусусиятлари ва динамик характеристикаларини ўрганиш зарурдир. Иссиқлик алмашинув жараёнларининг физик қонунларини инобатга олган ҳолда, аналитик усул асосида буғ қиздиргичда кечадиган жараённинг математик модели ишлаб чиқилган:

$$\left. \begin{aligned} F_{\text{ПСП}}(T_{\text{П-чик}} - T_{\text{П-кир}}) + G_{\text{ПСП}} \frac{\partial T_{\text{П-чик}}}{\partial \tau} - G_{\text{ПСП}} K_p \frac{\partial p}{\partial \tau} &= a_{\text{П}} N_{\text{П}} (T_{\text{М}} - T_{\text{П-чик}}); \\ a_{\text{ДГ}} N_{\text{Н}} (T_{\text{ДГ}} - T_{\text{М}}) - a_{\text{П}} N_{\text{П}} (T_{\text{М}} - T_{\text{П-чик}}) &= G_{\text{М}} c_{\text{М}} \frac{\partial T_{\text{М}}}{\partial \tau}; \\ F_{\text{ДГ}} c_{\text{ДГ}} (T_{\text{ДГ-кир}} - T_{\text{ДГ-чик}}) &= a_{\text{ДГ}} N_{\text{Н}} (T_{\text{ДГ}} - T_{\text{М}}), \end{aligned} \right\} (1)$$

бу ерда, мос равишда, K_p —иссиқлик узатиш коэффиценти; $F_{п-қиздирилган}$ буғ сарфи; $c_{п-қиздирилган}$ буғнинг солиштирма иссиқлиги; $T_{п-чик} - T_{п-қир}$ —буғ қиздиргичга кириш ва чиқишдаги буғ ҳарорати; $G_{п-қиздиргич}$ ичидаги буғ массаси; $a_{п-қиздирилган}$ буғнинг иссиқлик узатиш коэффиценти; $T_{дг-қир} - T_{дг-чик}$ —буғ қиздиргичнинг кириш ва чиқишидаги қиздирилган буғ ҳарорати; $N_{п}, N_{н}$ —қиздирувчи қувурларнинг ички ва ташқи юзаси; T_M —қобикнинг ҳарорати; $a_{дг-тутунли}$ газлар иссиқлик узатиш коэффиценти; $N_{н-қувурларнинг}$ ташқи юзаси; p —чиқишдаги буғ босими; τ —вақт; $T_{дг-тутунли}$ газ ҳарорати; G_M —қувурдаги буғ массаси; $F_{дг-тутунли}$ газ сарфи; $c_{дг-тутунли}$ газнинг солиштирма иссиқлиги; c_M —қобикнинг солиштирма иссиқлиги.

Ишлаб чиқилган буғ қиздиргичнинг математик модели унинг конструктив хусусиятларини инобатга олган ҳолда, буғ қиздиргични бошқариш объекти сифатида ўрганишга ва унинг ҳар қандай динамик ва статик хусусиятларини таҳлил қилишга имкон беради. Бошланғич шартлар куйидагича бўлганда $T_{п-чик}(0) = 100, C^0$; $T_{дг-қир}(0) = 1245, C^0$; $F_{п-қир}(0) = 0$ т/с; $F_{дг-қир}(0) = 1230$ м³/с; $P_{буғ}(0) = 0$, бўлганда (1) тенгламалар тизимини ечими аналитик кўринишда қидирилади:

$$\Delta T_{п} = W_{ТП_чик ТП_қир}(\tau) * \Delta T_{П_қир}(\tau) + W_{ТП_чик Тдг_қир}(\tau) * \Delta T_{дг_қир}(\tau) + W_{ТП_чик F_{П_қир}}(\tau) * \Delta F_{П_қир}(\tau) + W_{ТП_чик F_{дг_қир}}(\tau) * \Delta F_{дг_қир}(\tau),$$


бу ерда $W_{ТП_чик ТП_қир}(\tau)$ —буғ қиздиргичдан кириш ва чиқишдаги буғ ҳарорати динамикасининг ўзгариш характеристикаси; $W_{ТП_чик Тдг_қир}(\tau)$ —тутунли газ сарфининг буғ ҳарорати ўзгаришига таъсирининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатувчи функция; $W_{ТП_чик F_{П_қир}}(\tau)$ —буғ қиздиргичдаги буғ ҳарорати ва сарфини алоқа каналлари бўйича ўзаро боғлиқлигини динамик хусусиятлари; $W_{ТП_чик F_{дг_қир}}(\tau)$ —буғ қиздиргичга киришдаги тутунли газ сарфи; мос равишда; $\Delta T_{П_қир}(\tau)$, $\Delta T_{дг_қир}(\tau)$, $\Delta F_{П_қир}(\tau)$, $\Delta F_{дг_қир}(\tau)$ —буғ қиздиргичнинг параметрларини ўзгаришини характерловчи функциялар.

Олинган аналитик ечим жараёни бошқаришда содир бўладиган турли хил ноаниқликлар ва объектнинг динамик хоссаларини ҳисобга олиш имконини бермайди. Шунини таъкидлаш керакки, юқоридаги параметрларнинг ўзгариши турли хил ноаниқликлар ва эҳтимоллик хусусиятларига эга бўлиб, бу муаммони ҳал этиш учун интеллектуал технологиялар усулларидан фойдаланишни тақозо этади. Ушбу усуллар ташқи таъсирларнинг ўзгарувчанлиги ва буғ қиздиргичнинг динамик хусусиятлари билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этишга имкон беради. Қайд этилган ҳолатлар интеллектуал технологияларга асосланган норавшан-мантиқий буғ қиздиргични бошқариш тизими учун синтезлаш алгоритмларини яратиш заруриятини кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, нейроноравшан технологияларга асосланган технологик объектларни норавшан-

мантикий бошқариш тизими алгоритмларини ишлаб чиқиш ва иссиқлик энергетикаси объектларини автоматлаштириш ва бошқариш муаммоларини ҳал этишда қўллаш ушбу диссертация иши мақсадини белгилаб берди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Буғ қиздиргични бошқариш жараёнининг норавшан-мантикий моделини ишлаб чиқиш**» деб номланган бўлиб, буғ қиздиргични бошқариш жараёнининг норавшан-мантикий моделини ишлаб чиқиш масаласи кўриб чиқилган.

Буғ қиздиргичнинг динамик хусусиятлари таҳлили асосида унинг ахборот-концептуал модели ишлаб чиқилган бўлиб, у технологик параметрлар ва уларнинг ўзгариш динамикаси ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олади ва буғ қиздиргичда кечадиган жараёнларни юқори самарали бошқариш тизимини яратиш учун асос бўлади. Бунда ростланувчи ва ростловчи технологик параметрлар, ҳамда жараёнга (буғнинг ҳарорати ва босими)га таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланган(1-расм.).



1-расм. Буғ қиздиргичнинг ахборот-концептуал модели.

Бу ерда ўзгарувчиларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги кўринишда тасвирланган: $BK = \{U_{кир}, U_{чик}\}$, бу ерда $U_{кир} = \{F_b, F_k, T_{срч}, T_{в1}, T_{врч}, T_{в2}, U\}$; $X = \{T_{в1}, T_{врч}, T_{в2}, T_k, T_{срч}\}$; $U_{чик} = \{T_{врч-а}, T_a, T_b, T_A\}$.

Буғ қиздиргичнинг кириш параметрлари сифатида қуйидагилар олинган: F_b -1-пуркагичдаги сув сарфи, F_k – қозондаги сув сарфи, T_k -ёқилғи сарфи, U - «1,2,3 гуруҳли чанглатгичлар» канали.

Буғ қиздиргичнинг чиқиш параметрлари сифатида қуйидагилар олинган: $T_{в1}$ - биринчи ВРЧ учун буғ ҳарорати, $T_{срч}$ –СРЧ учун буғ ҳарорати, $T_{врч-а}$ –биринчи ВРЧ учун буғ ҳарорати, $T_{врч-б}$ –иккинчи ВРЧ учун буғ ҳарорати, $T_{в2}$ -2-пуркагич учун буғ ҳарорати.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, норавшан тўпламлар назарияси усулларини қўллаш ҳал этилаётган масалаларга кўпроқ мос келади. Бундай ёндошувда бошқариш тизими динамикасини ҳолат тенгламаси ёрдамида ифодалаш мумкин. Ушбу ёндошув асосида бошқариш тизими динамикасининг ҳолат тенгламаси ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$x_{k+1} = F(x_k, u_k), k = 0, N, x_k \in X, u_k \in U,$$

бу ерда X –ўзгарувчилар ҳолати фазоси, U –бошқариш ўзгарувчилари тўплами, F –ҳолатларнинг ўтиш ночизикли функцияси.

Тизимнинг жорий ҳолатини ифодаловчи x_k тўлиқ векторни тўғридан-тўғри ўлчаш имкони мавжуд бўлмаганда, билвосита кузатиш вектори куйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$z_k = H(x_k),$$


бу ерда z_k -норавшан ўлчаш вектори; $H - z_k = Hx_k$ рекуррент тенгламалар тизимини ўлчаш функцияси.

Буғ киздиргичдаги технологик жараёнларни ўзгарувчанлиги ва улар ҳақидаги маълумотларнинг қисман ноаниқлиги норавшан тўплам назарияси усулларидан фойдаланиб жараёнларни норавшан тўплам шаклида тасвирлаш турли ноаниқлик шароитида ишлайдиган динамик объектлар моделларини шакллантириш учун асос ҳисобланади, диссертацияда буғ киздиргични бошқаришдаги ноаниқликларини ҳисобга олган ҳолда, математик ифодалаш учун нейрон тўр усулидан фойдаланилган.

Модел нейрон тўрдан фойдаланган ҳолда, киздирилган буғ ҳароратини технологик регламент асосида ростлашга имкон берувчи интеллектуал бошқариш тизимини куришда асосий таянч ҳисобланади(2-расм.).

Ишлаб чиқилган буғ киздиргичнинг нейрон тўр модели ёрдамида иссиқлик энергетикаси объектларида электр энергия ишлаб чиқаришда асосий агрегат элементи ҳисобланган турбиналарни ҳаракатлантириш орқали киздирилган буғ ҳароратини турғунлигини таъминлаш имконияти мавжуд.

Нейрон тўрларни қўллашда қўйилган масаланинг ўзига хослиги ва мураккаблигига мос равишда амалга ошириладиган сунъий нейрон тўр архитектурасини танлаш муҳим ҳисобланади.



2-расм. Буғ киздиргичнинг нейрон тўр модели.

Тўрни ўқитиш учун интерактив адаптация назариясига асосланган алгоритм таклиф этилди, унинг мазмуни $E_k(i) = 0.5(u * (i) - u_k(d_k, x_k * (i)))^2$ хатони норавшан кўринишда ҳисоблашдан иборатдир.

Интерактив адаптация алгоритми қўлланилганда тизим N –та кичик тизимларга бўлинади, унинг ҳар бири интеграллашган чиқиш сигнали

y_n ва интеграллашган кириш сигнали x_n га эга бўлиб, улар орасидаги нисбат функционал боғлиқлик кўринишида ифодаланади:

$$F_n: X_n \rightarrow Y_n, y_i(t) = F[x_n(t)]_i, n = 1, 2, \dots, N.$$

Элементлар ва ташқи сигнал $u_i(t)$ орасидаги ўзаро боғлиқлик чизикли бўлиб, қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$x_i(t) = u_i(t) + \sum_{K \in J_i} \alpha_K \cdot y_i(t), i \in N.$$

Бунда алоқалар вазни

$$\alpha_K = F_{\text{кирк}}[x_{\text{кирк}}] \left(\frac{y_{\text{чикк}}}{y_{\text{кирк}}} \right) \sum_{K \in J_i} \alpha_S \cdot \alpha_S - \gamma \cdot F_{\text{кирк}}[x_{\text{кирк}}] \cdot y_{\text{чикк}} \cdot \frac{\delta E}{\delta y_{\text{чикк}}},$$

бу ерда $\gamma > 0$ – ўқитиш тезлигини аниқлаш коэффициенти; $F_{\text{кирк}}[x_{\text{кирк}}]$ – Фреше ҳосиласи; E – йўқотиш (хато) функцияси $K \in K$.

Маълумки, объектининг динамик хоссалари, ҳамда кириш таъсирларининг сони ортиши, норавшан чиқиш хулосаларининг геометрик прогрессия асосида ортиши айнан норавшан моделларни ўқитишнинг аниқлигини ва тезкорлигини пасайишига олиб келиши мумкин. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун норавшан моделларда киришдаги параметрларнинг ихтиёрий ўзгаришларини инобатга олган ҳолда бошқариш таъсирларини ҳисоблашга имкон берувчи минимум ва максимумни аниқлашда юмшоқ арифметик амаллардан фойдаланиш таклиф этилган. Норавшан-манتيкий чиқишда юмшоқ арифметик амаллар қўлланилганда юмшоқ минимум ва юмшоқ максимум қуйидагича аниқланади:

Юмшоқ минимум:

$$\min_{\delta} (x_1, x_2)_I = \frac{x_1 + x_2 + \delta^2 + \sqrt{(x_1 + x_2)^2 + \delta^2}}{2}.$$

Юмшоқ максимум:

$$\text{soft-max}(x_1, x_2) = |\gamma \cdot \max(x_1, x_2) + 0,5(1 - \gamma)(x_1 + x_2),$$

δ -ўқитиш қадами нейрон тўрл модели 0,02 га тенг, $\gamma = 0,7$.

Чиқиш сигналида дефаззификация юзалар фарқи усули билан амалга оширилади. Бунда трапециясимон шаклга эга бўлган тегишлилик функциясининг юзаси ушбу формула билан аниқланади:

$$S = \frac{h}{6} (b_1 + 4b_2 + b_3),$$

бу ерда h – трапеция баландлиги; b_1, b_2, b_3 – трапециянинг пастки, ўрта ва юқоридаги асоси. Одатий усуллардан фарқли равишда юзалар фарқи усулини қўллашда, чиқишда тегишлилик функцияси термларини қисқартириш операцияларини талаб этмайди. Ушбу операция қуйидагича аниқланади:

$$\mu(y)_i' = \text{soft}_{i=1}^n \min(y_i'; \mu(y_i)).$$

Ушбу муносабат ёрдамида бошқариш сигналани дефазификациялаш амалга оширилди:

$$y = \frac{\sum_{i=1}^n y \cdot \bar{y}_{ib}}{\sum_{i=1}^n y}$$

Норавшан-мантикий хулосанинг чиқишдаги катталиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$y_{\text{defuz}} = [D \cdot (y_{\text{туг}} - y_{\text{бош}})] + y_{\text{бош}},$$

бу ерда $y_{\text{туг}}$ ва $y_{\text{бош}}$ чиқиш ўзгарувчиси диапазоли катталикларининг охири ва бошлангич қиймати.

Чиқиш катталиклари термларининг кесилган юзаларини коррекциялаш, қуйидагича аниқланди:

$$y_{\text{чик}} = (w)_i + \delta(y_{\text{defuz}} - y_{\text{этал}}).$$

Хулосалар сонини чиқиш тегишлилик функцияларидаги термлар сонига тенг бўлгунча қисқартиришга имкон берувчи норавшан муносабатлар марицасини шакллантиришда юзалар фарқи усули ёрдамида максимум ва минимумларни аниқлашда юмшоқ арифметик амалларни қўллайдиган адаптив нейро-норавшан тизимни ўқитиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Ушбу процедуралар асосида 2-босқичдан иборат буғ қиздиргичнинг норавшан-мантикий бошқариш тизимининг билимлар базаси шакллантирилди. Бунда кириш катталиклари сифатида: x_1 -сув сарфи; x_2 -буғ сарфи, чиқиш катталиги сифатида эса буғнинг ҳарорати олинди. Биринчи босқичда тегишлилик функциясининг шакли ва ўзгарувчиларнинг кириш ва чиқиш катталикларининг технологик регламентга мос қийматларининг ўзгариш диапазоли танланади:

$$x_1 = [x_{\text{min}}, x_{\text{max}}]; x_2 = [x_{\text{min}}, x_{\text{max}}]; \text{ ва } y = [y_{\text{min}}, y_{\text{max}}].$$

Ҳар бир кириш сигналларининг ўзгариш диапазоли 3 та термга бўлиб олинди $x_1 = \{x_{11}, x_{12}, x_{13}\}$ ва $x_2 = \{x_{21}, x_{22}, x_{23}\}$.

Чиқиш катталиклари эса 5 та $y = \{y_1, y_2, y_3, y_4, y_5\}$ термлардан иборат. Булар асосида норавшан минимум операциясидан фойдаланиб, ҳар бир ўқитиш маълумотлари жуфтлиги учун қуйидаги кўринишдаги норавшан бошқариш қоидаси тузилди:

$$\begin{aligned} \text{НБК}_1: & \text{Агар}(x_{11} \text{ мавжуд } x_1 \text{ ЁКИ } x_{11} \text{ мавжуд } \rightarrow x_2 < x_1 \vee x_2 >) \text{ ВА} \\ & (x_{21} \text{ мавжуд } x_2 \text{ ЁКИ } x_{21} \text{ мавжуд } \rightarrow x_2 < x_{21} \vee x_2) \\ & \text{у холда } (y_{11} \text{ мавжуд } y_7 \text{ ЁКИ } y_{11} \text{ мавжуд } y_6 < y_7 \vee y_6 \rightarrow); \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} \text{НБК}_2: & \text{Агар}(x_{12} \text{ мавжуд } x_2 \text{ ЁКИ } x_{12} \text{ мавжуд } \rightarrow x_3 < x_2 \vee x_3 >) \text{ ВА} \\ & (y_{12} \text{ мавжуд } y_2 \text{ ЁКИ } y_{12} \text{ мавжуд } \rightarrow y_3 < y_2 \vee y_3) \\ & \text{у холда } (y_{12} \text{ мавжуд } y_6 \text{ ЁКИ } y_{12} \text{ мавжуд } y_5 < y_6 \vee y_5 \rightarrow). \end{aligned}$$

Бу ерда:

$$\text{НБК}_1: \{x_{11} \wedge x_{21} \rightarrow y_{11}\} = \{x_{11} [\vee(0,7; 0,2)] < x_1 \vee x_2 > \wedge x [\vee(0,53; 0,2)] < x_{21} \vee x_{22} > \rightarrow y_{11} [\vee(0,8; 0,2)] < y_7 \vee y_6 >\} = \{x_{11}[0,7] < x_1 > \wedge x_{21} [0,53] < x_{21} > \rightarrow y_{11} [0,8] < y_7 >\},$$

Ушбу маълумотлар матрица шаклида ёзиб олиниб, унинг ўлчами кириш катталикларининг термлари сонига боғлиқдир. Қаралаётган объект учун матрицанинг ўлчами 3x3. Матрица қатламлари сонини ҳисоблаш учун қуйидаги муносабатдан фойдаланилди:

$$k = \max\{(x_{1c} - x_{1a}); (x_{2c} - x_{2a}); \dots; (x_{nc} - x_{na}); \dots; (y_{1c} - y_{1a}); (y_{2c} - y_{2a}); \dots; (y_{mc} - y_{ma})\}.$$

Буғ қиздиргични бошқариш жараёнининг нейрон тўр моделини куриш ва ўқитишда юқоридаги алгоритмлар, шунингдек, дастлабки маълумотлар ноаниқлиги шароитида динамик объектларни норавшан бошқариш қоидаларини ўз ичига олган билимлар базасини шакллантириш норавшан-мантикий адаптив бошқариш тизимини синтезлаш муаммосини самарали ҳал қилига имкон беради.

Диссертациянинг «**Буғ қиздиргичнинг технологик параметрларини норавшан-мантикий бошқариш тизимини алгоритмик синтези**» деб номланган учинчи боби объектнинг динамик хусусиятлари ва ташқи таъсирлари номаълум бўлган буғ қиздиргичнинг технологик параметрларини норавшан-мантикий бошқариш тизимини синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган. Тадқиқ қилинаётган тизим кўп ўлчовли кўп боғланган тузилишга эга бўлиб, бошқариш тизимининг зарур динамик хусусиятларини ва турғунлигини таъминловчи минимал мураккабликдаги бошқарувчининг тузилишини аниқлаш билан боғлиқ муаммони ҳал этишни сезиларли даражада мураккаблаштиради.

Буғ генерацияси жараёнининг динамик хусусиятлари ҳолат тенгламаси $\bar{x}_1(0) = \bar{D}_1, \bar{x}_2(0) = \bar{D}_2, \dots, \bar{x}_n(0) = \bar{D}_n$, бошланғич шартлар шаклида берилган бўлсин:

$$\frac{d\bar{x}}{dt} = \bar{A} \otimes \bar{x} \oplus \bar{B} \otimes u, \quad \bar{y} = \bar{C} \otimes \bar{x},$$

бу ерда \otimes, \oplus -норавшан операциялар; u -бошқариш сигналлари; $\bar{x} = \{\bar{x}_1, \bar{x}_2, \dots, \bar{x}_i, \dots, \bar{x}_n\}$ -ҳолатлар вектори; $i = 1, 2, \dots, n$;

$\bar{y} = \{\bar{y}_1, \bar{y}_2, \dots, \bar{y}_c, \dots, \bar{y}_l\}$ -бошқарилувчи ўзгарувчилар вектори.

$\bar{A}, \bar{B}, \bar{C}$ матрица элементлари қуйидаги кўринишда тасвирланган:

$$\bar{A}_1^1 = \left\{ \frac{A_1^1}{\mu_{\bar{A}_1^1}(A_1^1)} \right\}, \dots, \bar{A}^n = \left\{ \frac{A^n}{\mu_{\bar{A}_n}(A_n)} \right\},$$

$$\bar{B}_1^1 = \left\{ \frac{B_1^1}{\mu_{\bar{B}_1^1}(B_1^1)} \right\}, \dots, \bar{B}_n = \left\{ \frac{B_n^n}{\mu_{\bar{B}_n}(B_n^n)} \right\},$$

$$\bar{C}_1^1 = \left\{ \frac{C_1^1}{\mu_{\bar{C}_1^1}(C_1^1)} \right\}, \dots, \bar{C}_n^l = \left\{ \frac{C_n^l}{\mu_{\bar{C}_n^l}(C_n^l)} \right\}.$$

Бунда ўзгарувчи ҳолатлар учун тегишлилик функциялари аналитик шаклда ифодаланеди:

$$\mu_{\bar{x}_i}(x_i) = \varphi(x, a_{\bar{x}_i}, b_{1\bar{x}_i} b_{2\bar{x}_i}, v_{1\bar{x}_i}, v_{2\bar{x}_i}) = (b_{1\bar{x}_i} ((a_{\bar{x}_i} - x))^{v_{1\bar{x}_i}} \frac{\text{sign}(b_{1\bar{x}_i}(a_{\bar{x}_i} - x)) + 1}{2} + (b_{2\bar{x}_i} (a_{\bar{x}_i} - x))^{v_{2\bar{x}_i}} \frac{\text{sign}(b_{2\bar{x}_i}(a_{\bar{x}_i} - x)) + 1}{2} + 1)^{-1},$$

бу ерда $a_{\bar{x}_i}$ -тегишлилик функцияси коэффиценти модаси, $b_{1\bar{x}_i} b_{2\bar{x}_i}$ -тегишлилик функцияси кенгликлари, $v_{1\bar{x}_i}, v_{2\bar{x}_i}$ -тегишлилик функциясининг оси x_i бўйича оғиши.

Бошқариш мақсади сифатида бошқариш объектининг реал ҳаракатлари ҳолат ўзгарувчиларининг ўртача оғишини минималлаштиришдан иборат.

Бошқариш тизимининг синтези белгиланган сифат кўрсаткичларини таъминлайдиган контроллернинг параметрларини созлаш таклиф этилган. Контроллер параметри ўзгартирилган бошқариш қонуни асосида ҳисобланади:

$$u = k_u(t) \cdot u_m(t) + \sum_{i=1}^n k_x^\Sigma(t) \cdot x_i^\Sigma(t),$$

$$\begin{aligned} & k_{x_1}^\Sigma[t+1] k_{x_1}^\Sigma[k] (1 - h\gamma_3) + h(\gamma_5 - \gamma_4) \delta[t] x_1^\Sigma[t] - h\gamma_5 \delta[t+1] x_1^\Sigma[t+1], \\ & k_{x_n}^\Sigma[t+1] k_{x_n}^\Sigma[k] (1 - h\gamma_3) + h(\gamma_5 - \gamma_4) \delta[t] x_n^\Sigma[t] - h\gamma_5 \delta[t+1] x_n^\Sigma[t+1], \\ & k_u[t+1] k_u[k] (1 - h\gamma_1) + h(\gamma_6 - \gamma_2) \delta[t] u_m[t] - h\gamma_6 \delta[t+1] u_m[t+1], \end{aligned}$$

бу ерда $t = mh, h > 0$ –дискретизация қадами, $\gamma = \gamma_1, \gamma_2, \gamma_3, \gamma_4, \gamma_5, \gamma_6$ – контроллернинг созлаш параметрлари; $e_i^\Sigma = \int_{x_i} (x_i - x_{im}) \mu_{\bar{e}_i}(e_i) dx_i$ –хато

сигнали; $\delta[t] = \sum_{i=1}^n k_i^\Sigma$ h_i –ўтиш функцияси қиймати. Бошқариш тизими синтези қуйидаги сифат мезони асосида амалга оширилган:

$$I(\gamma) = K - \sum_{k=1}^K \frac{\mu_{\bar{Q}_k}^f \wedge \mu_{\bar{Q}_k}^{3f}}{\mu_{\bar{Q}_k}^f} \rightarrow \min,$$

бу ерда $\mu_{\bar{Q}_k}^f$ –жараённинг норавшан моделини башоратловчи қийматлари; $\mu_{\bar{Q}_k}^{3f}$ –фойдалилик функцияси.

Бошқариш тизимини синтезлашда таклиф этилган алгоритмни жорий этиш технологик жараёнларни бошқариш муаммоларида ишлаб чиқилган моделларни қўллаш соҳасини кенгайтириш имконини беради.

Коррекциялашда ростлагич параметрларининг қоидалари қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\text{агар } H(t) > 0, \Delta \leq 0 \forall t \in (0; T), \text{ у ҳолда } T_u^{m+1} = T_u^m - \beta \cdot H(T),$$

$$\text{агар } H(t) \leq 0, \Delta > 0 \forall t \in (0; T), \text{ у ҳолда } T_u^{m+1} = T_u^m - \gamma \cdot \Delta_{\text{дин}}.$$

Ҳисоблаш жараёнини тўхтати учун шартнинг бажарилиши текширилади:

$$|k_p^{n+1} - k_p^n| \leq \varepsilon_1; \dots |T_u^{m+1} - T_u^m| \leq \varepsilon_2,$$

бу ерда n , m —адаптация қадамлари сони; бу ерда T_u^m — m -қадамнинг вақт қиймати; T_u^{m+1} — $m+1$ -қадамдаги вақт қиймати, β ва γ вазн коэффициентлари, $\varepsilon_1, \varepsilon_2$ —ҳисоблашнинг берилган параметрлари.

Таклиф этилган усулнинг афзаллиги узатиш коэффициентини норавшан коррекциялаш, интеграллаш вақти бўйича интегралнинг оптимал мезонини қидириш билан комбинацияда қўллашдан иборатдир.

Дастлабки маълумотларнинг априор ноаниқлиги шароитида тузилади ва параметрик адаптация усулларига асосланган динамик объектларнинг норавшан-мантиқий бошқариш тизимини синтезлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Бошқаришнинг берилган сифат кўрсаткичларини таъминлашга имкон берадиган, бошқаришнинг ортиб бориш ва динамик хатоликларни қўллашга асосланган адаптив ростлагичнинг параметрларини ҳисоблаш нуқтаи назаридан коррекциялаш бўйича юқори самарадорликка эга бўлган алгоритми ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Буғ қиздиргичларни технологик параметрларини бошқариш масалаларида синтезлаш алгоритмларини қўллаш**» ишлаб чиқилган норавшан-мантиқий моделларни қўллаш натижалари ва буғ қиздиргичнинг муҳим технологик параметрларини, масалан, ҳарорат, босим ва қиздирилган буғ оқими тезлигини синтезлаш масаласини ҳал этиш учун бошқариш алгоритмлари келтирилган. Бунда буғ қиздиргининг ҳарорат режимини бошқариш вазифаси буғ қиздиргичдан чиқишда буғ ҳароратини белгиланган қийматини барқарорлаштириш учун буғ қиздиргичга юбориладиган сув миқдорини ошириш ёки камайтириш орқали амалга оширилади.

Қиздирилган буғ ҳарорати, босим ва қиздирилган буғ сарфи каби буғ қиздиргичнинг энг муҳим технологик параметрлари учун норавшан-мантиқий бошқариш тизимини синтезлаш муаммосини ҳал этиш учун ишлаб чиқилган норавшан-мантиқий моделлар ва бошқариш алгоритмларини қўллашга имкон беради. Бошқаришнинг вазифаси буғ қиздиргичнинг олдиндан белгиланган ҳарорат режимини таъминлашдан иборатдир. Бунда буғ ҳароратини барқарорлаштириш буғ қиздиргичга пуркалаётган сув миқдорини ўзгартириш ҳисобига амалга оширилади.

Бошқариш объектнинг динамик хусусиятлари таҳлили асосида энг муҳим бошқариш канали "пуркалувчи сув сарфи-буғ ҳарорати" канали ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, бу канал энг юқори кучайтириш коэффициентлар ва энг кичик инертлик билан белгиланади.

Синтезланган тизим бошқариш объекти тўғрисида тўлиқ бўлмаган маълумотлар ва ташқи ғалаёнлар ўзгармаслиги билан вақтинчалик жараёнларнинг берилган сифат кўрсаткичларига мувофиқ бошқариш қийматларининг барқарорлиги таъминланиши керак.


Буғ қиздиргичнинг ҳарорат режими учун ишлаб чиқилган норавшан-мантиқий бошқариш тизимининг робастлик хусусиятларини тадқиқ этиш учун бошқариш жараёнининг имитацион модели ишлаб чиқилган. Ушбу мақсадда норавшан-мантиқий бошқариш тизимининг имитацион моделида (3-расм) ғалаёнли бошқариш каналлари бўйлаб узатиш функциясининг турли қийматлари учун бир қатор ҳисоблаш тажрибалари келтирилган. Бошқариш объектининг иккита канал бўйлаб (узатиш ва ғалаён каналлари бўйлаб) узатиш функциялари куйидаги шаклга эга:

$$W_{F-Y}(p) = \frac{0.91}{(0.68s + 1)}; \quad W_{OY}(p) = \frac{1.39e^{-0.21s}}{(1.27s + 1)(1.9s + 1)}$$

Имитацион моделлаштириш натижалари 3-расмдаги графикда келтирилган. Графикдан кўришиб турибдики, буғ қиздиргич бошқариш объектининг узатиш функцияси параметрларининг доимий қийматлари ва ташқи ғалаён даражаси унинг барқарор ҳолати қийматларининг 60% гача ўзгариши билан бошқариш тизими турғун бўлиб қолади ва ўтиш жараёни ишлаш вақти 14,8 сониядан ошмайди.

Тизимда шовқинли ташқи ғалаён мавжуд бўлганда ва унинг даражаси 1,0 дан 3,0 гача ўзгарганда, шунингдек бошқариш объекти параметрлари 50% гача ўзгарганда, норавшан-мантиқий бошқариш тизими турғунлик хусусиятларини сақлаб қолади. Шу билан бирга, буғ қиздиргичнинг ҳарорат режимини норавшан-мантиқий бошқариш тизимининг сифат характеристикалари етарли диапазонда ўзгаради:

$$t_{\text{буғ қиздиргич}}^{\text{НМБТ}_z} \in [7.31 \div 12.39] \text{сон.}, \quad \zeta_{\text{буғ}}^{\text{НМБТ}} \in [0.01 \div 22]\%$$




3-расм. Буғ қиздиргичнинг норавшан-мантиқий бошқариш тизими имитацион модели.

Шундай қилиб, олиб борилган ҳисоблаш тажрибалари асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, кириш ва чиқиш лингвистик ўзгарувчилар универсалли-гининг робастлиги ва мавжудлиги туфайли норавшан-мантиқий бошқаришга эга бўлган норавшан-мантиқий бошқариш тизими мавжуд.

Бошқариш объекти параметрларининг кенг доирада ўзгариши, шунингдек ташқи ғалаёнли сигнал мавжуд бўлса турғун бўлиб қолади.

Бошқариш объектига таъсир этувчи эҳтимоллик характериға эға ғалаёнлар ва сигнал шовқинлари мавжуд бўлган норавшан-мантиқий бошқариш тизимининг вақтинчалик жараёнларининг графиклари қурилган (4-расм.).



4-расм. Норавшан-мантиқий бошқариш тизими ўтиш жараёнлари.

Бундан ташқари, технологик регламентга мувофиқ мос қийматга нисбатан буғ ҳарорати-30⁰ С га ўзгарганда ва асосий қийматга нисбатан ёқилғи сарфининг ғалаёни 10% га тенг бўлганида синтезланган бошқариш тизимининг динамик хусусиятларини ўрганиш учун имитацион тажрибалар ўтказилди.

Имитация натижалари шуни кўрсатдики, ҳар хил турдаги ғалаёнлар ва шовқинлар мавжуд бўлганда, норавшан-мантиқий бошқариш тизими ўзгарувчиларининг бир ҳолатдан иккинчисига силлиқ ўтишини таъминлайди. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, таклиф этилаётган бошқариш тизими ўтиш жараёни вақтини 73% га қисқартириш имконини беради, бу эса буғ ҳароратининг 100 га камайишини таъминлайди, бу эса ёқилғи сарфини 0,2-0,3% га камайишига ва бошқариш сифати аниқлиги ўртача 13% га ошади.

ХУЛОСА

«Иссиқлик энергетикаси объектлари буғ қиздиргичларини норавшан-мантиқий бошқариш алгоритмлари» мавзусидаги диссертация ишида олиб борилган тадқиқот давомида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Буг алмашинуви жараёнининг физик қонунияти ва буғ қиздиргичнинг бошқариш усуллари тизимли таҳлил қилинган, улар асосида жараённинг кўп ўлчовли бошқариш объекти сифатида ахборот-концептуал модели яратилган. Модел самарали бошқариш тизимини яратишнинг оптимал вариантини танлаш имконини беради.

2. Динамик объектларни уларнинг ўзига хос характеристикаларига кўра мавжуд моделлаштириш ва бошқариш ҳолатлари асосида буғ қиздиргичларда буғ алмашинувини бошқариш жараёнининг норавшан-мантиқий ифодаси таклиф қилинган. Ишлаб чиқилган норавшан-мантиқий моделлар эҳтимоллик таснифи ва маълумотларнинг априор ноаниқлиги шароитида нейро-норавшан технологиялар асосида буғ қиздиргич ишининг динамикаси ва буғ алмашинув жараёнини бошқариш алгоритмларини расмий ифодалашга имкон берадилар.

3. Буғ қиздиргични бошқариш жараёнининг нейрон тўр моделини куриш ва ўқитиш алгоритмлари ишлаб чиқилган, шунингдек, норавшан-мантиқий бошқариш қоидаларини ўз ичига олган билимлар базасини шакллантириш дастлабки маълумотларга ноаниқлик юзага келганда динамик объектлар учун тизим норавшан-мантиқий адаптив бошқаришни синтезлаш муаммосини самарали ҳал этишга имкон беради.

4. Нейрон тўрлари ва норавшан мантиқ негизида буғ алмашинув технологик жараёнларини моделларини яратиш усуллари таклиф этилган бўлиб, бошқариш жараёнларини ҳосил қилиш мураккаб бўлган моделларни шакллантиришга имкон берувчи буғ қиздиргич бошқариш жараёнларини интеллектуаллаштиришнинг математик асоси ҳисобланади.

5. Бошқаришнинг берилган сифат кўрсаткичларини таъминлашга имкон берадиган, бошқаришнинг ортиб бориш ва динамик хатоликларни қўллашга асосланган адаптив ростлагичнинг параметрларини ҳисоблаш нуктаи назаридан коррекциялаш бўйича юқори самарадорликка эга бўлган алгоритми ишлаб чиқилган.

6. Турли ноаниқликлар мавжуд бўлганда адаптив хусусиятларга эга бўлган норавшан-мантиқий хулосанинг тезкор алгоритми таклиф қилинган бўлиб, бўш ечимлар ва ноль соҳаларни олиб ташлаш ҳисобига ўқитиш жараёнидаги хатоликларни 8 дан 1 %гача камайтиришга имкон беради.

7. Адаптив нейро-норавшан бошқариш тизимини юзалар фарқи усулини қўллаб, юмшоқ арифметик амалларга асосланган ўқитиш алгоритми ишлаб чиқилган.

8. Ташқи таъсирларнинг ноаниқлиги ва технологик чекловлар шароитида буғ қиздиргич технологик параметрларини норавшан-мантиқий бошқариш тизимининг имитацион моделлаштиришнинг дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РАЗВИТИЯ
ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА**

БАХРИЕВА ХУРШИДА АСКАРХОДЖАЕВНА

**АЛГОРИТМЫ НЕЧЕТКО-ЛОГИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ
ПАРОПЕРЕГРЕВАТЕЛЕЙ В ТЕПЛОЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ОБЪЕКТАХ**

05.01.02 – Системный анализ, управление и обработка информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/T702.

Диссертация выполнена в научно-исследовательском институте развития цифровых технологий и искусственного интеллекта.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Сиддиков Исамиддин Хакимович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Кабулов Анвар Васильевич
доктор технических наук, профессор

Арифжанов Абдулла Шамхатович
кандидат технических наук, старший научный сотрудник


Ведущая организация: Ферганский политехнический институт


Защита диссертации состоится « 28 » января 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммад ал-Хоразми. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммад ал-Хоразми (регистрационный номер № 240). Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Автореферат диссертации разослан « 15 » января 2022 г.
(протокол рассылки № 51 « 30 » декабря 2021 г.).




Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, доктор
технических наук, профессор


Ф.М. Нуралиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, доктор
технических наук, доцент


А. В. Кабулов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, одной из актуальных задач в теплоэнергетике во всем мире, является уменьшения расхода энергоресурсов в процессе производства электроэнергии. Эффективное решение этой задачи во многом определяется от используемых наукоемких технологий в задачах управления технологическими параметрами агрегатов теплоэнергетических объектов. В этом направлении в развитых странах мира, в частности США, Германия, Российская Федерация, Великобритания, Япония и т.д. проводятся широкомасштабные исследования, имеющие важные научные и практические значения.

В мире создаются научные основы создания автоматизированных систем управления на базе современных методов, направленные на проектирования системы управления электроэнергетических объектов и процессов. В связи с этим, особое значение приобретает научное обоснование методов и алгоритмов построения моделей управления технологическими процессами электро-энергетических объектов. Однако при производстве электроэнергии на теплоэлектростанциях имеют место потери энергии, связанные с неравномерного изменения тепловой нагрузки, неопределенности свойства объекта управления и наличие множества неконтролируемых возмущений. Все это приводит к ужесточению требований к системам управления агрегатами теплоэнергетических объектов и обуславливают совершенствование моделей и алгоритмов управления динамическими объектами с учётом неопределенности информации.

В республике большое внимание уделяется в рамках, принятых комплекса мер, по развитию интеллектуализации процесса управления электроэнергетических объектов, в частности развития теории и методов управления режимов работы пароперегревателя в условиях неопределенности с учетом различных видов режимных и технологических ограничений с применением энергосберегающих технологий является актуальной задачей. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи, в частности «...широкое внедрение энергосберегающих технологий в производство,...внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, системы управления»². В этом аспекте одним из важных задач являются повышение энерго эффективности энергетических объектов, за счёт использования методов интеллектуального управления, с применением современных вычислительных средств.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлениями

² Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» ПФ-4947 от февраля 2017 года.

Президента № ПП-4249 от 29 марта 2019 года «О стратегии дальнейшего развития и реформирования электроэнергетической отрасли», № ПП-4779 от 10 июля 2020 года «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции путем повышения энерго-эффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов», и от 19 февраля 2018 года №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию информационных технологий и связи», а также другими нормативно-правовыми актами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Научные исследования в направлении развития методов и алгоритмов оптимизации режимов электроэнергетических систем при различных характерах используемой исходной информации большой вклад в развитии методов и алгоритмов расчета и оптимизации режимов электроэнергетических систем внесли зарубежные и отечественные ученые как С.А.Совалов, Ю.Н.Руденко, В.А.Семенова, В.И.Воропай, Д.А.Арзамасцева, А.В.Лыкина, В.М.Гонштейна, Е.В.Цветкова, Г.Б.Левенталь, Л.С.Попырина, А.И.Андрюшенко, В.А.Иванова, Г.П.Плетнева, Э.К.Аракеяна, В.Я.Ротача и отечественные ученые как Х.Ф.Фазылова, Т.Х.Насирова, К.Р.Аллаева, Д.А.Абдуллаева, В.К.Соколова, Р.А.Зохидова, М.З.Хамудханова, Т.С.Камалова, Э.П.Пайзиева и многие другие.

Вопросам исследования теоретических и практических задач по интеллектуализации процессов управления динамическими объектами и созданию высокоэффективных систем управления с учетом различных факторов сложности и неопределенности, посвящены работы ряда зарубежных таких как Р.А.Алиев, А.Пиегат, М.Сугено, Л.А.Заде, С.Н.Васильева, Н.Н.Вострикова, К.А.Пупкова и учёных республики М.М.Арипова, Т.Ф.Бекмуратова, Х.З.Игамбердиева, Н.Р.Юсупбекова, Ш.М.Гулямова, М.М.Камилова, А.Р.Марахимова, Д.Т.Мухамедиевой, Р.Н.Усманова, И.Х.Сиддикова, М.А.Исмаилова и многие другие.

